



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 37 (12.598)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



АЁЛ МЕҲНАТИДАН ТАРОВАТЛИДИР ОЛАМ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг меҳнат қилиши, ҳар тарафлама баркамол фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиши учун доимо эътибор кўрсатилаётди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Маасур фармонга мувофиқ хотин-қизларнинг ўз қадри-қиммати янада чуқурроқ ангилаши, бой маънавий ғазилларини намойиш этиши ва жамият ҳаётида ўзига муносиб ўрин эгаллашига ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан маълум қилишларича, 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш учун 2012 йилга нисбатан 32,8 фоиз қўп сармоя ажратилган. Шу жумладан, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 651 миллиард сўм йўналтирилган ишбилармон аёлларга кўрсатилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир. Ана шундай хайрли савий-харақатлар тўғрисида ҳалол меҳнати, ибратли фаолияти билан намуна бўлаётган тадбиркор хотин-қизлар сафи тобора кенгаймоқда.

Пойтахтимиздаги «Le Asante Cosmetics» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Нодира Бегматова шундай аёллардан. Тиниб-тинчимас бу аёл мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилган кенг имкониятлардан руҳланиб, янги иш ўринлари очиб, уйда ўтирган аёлларни иш билан таъминлаш борасида изланмоқда.

— Бувим қиз бола ибодатли, уқувли, фаросатли бўлиши керак, деб қўп

таъкидларди, — дейди Н.Бегматова. — Ўшанда бу гапнинг маъносига қўп ҳам тушунмаган эканман. Кейинчалик англаб етдимки, аёл қайси соҳада меҳнат қилмасин, аввало, оқила уй бекаси, қўли гул, хунарли бўлиши керак экан. Мен ҳам ўз бахтимни хунардан топдим. Оилам тинч, фаровон, севимли ишим билан машғулман.

«Le Asante Cosmetics» корхонасида асалдан, ўрик, бодом каби мевалар, кунжут, зайтун мойлари, турли косметик лой ва доривор гиёҳлардан атир совунлар ишлаб чиқаришмоқда. Терини куруқлаштирувчи ва аллергия кўзгатувчи моддалардан холи бундай воситаларга эфир ёғлари ёрдамида ишлов берилиши уларнинг шифобахшлигини оширади. Шу боис совун, туз, косметик мойлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган маасур корхона маҳсулотларига талаб ортиб бормоқда.

— Доривор ўсимликлар ва мевалардан олтимши икки хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди ў.А. муҳбирга Нодирахон. — Улар мамлакатимиз олимлари яратган технологиялар, белгиланган меъёр ва қоидалар асосида тайёрлангани боис анча харадоргир. Барча ёшдаги истеъмолчилар эҳтиёжини назарда тутган ҳолда маҳсулотларимиз хилма-хиллигини қўпайтиришга ҳаракат

қилаёلمиз. Мисол учун, чақалоқлар териси жуда нозик. Эҳтиётсизлик оқибатида уларда турли хилдаги аллергия юзага келиши мумкин. Ана шундай ҳолатларда ёш оналарга қўмаклашиш мақсадида аллергиянинг олдини оладиган, таркибига зайтун мойи қўшилган совунлар тайёрланмоқда.

Корхонада маҳсулотни тайёрлашда асосий эътибор унинг табиийлигига қаратилмоқда. Мисол учун, кийик ўти қўшилган совун тинчлантириш, оғриқни қолдириш, яраларни тўзатиш, антибактериал-антисептик хусусиятларга эга бўлиб, ёғли терини парвартишда қўл келади. Мойчанак яллиғланган тўқималар тузалишини тезлаштирсин, лаванда тери қизаришининг олдини олади.

Ёш тадбиркор саккиз хилдаги маҳсул совунларни дорихоналарга етказиб бераётди. Хар бири турли шаклда, бежирим қадокланган бу маҳсулотлар харадорни бефарқ қолдирмайди.

Ташаббускор ва ишбилармон Нодира Бегматова шифобахш гиёҳлардан юз, қўп парвартиши ва бўғимлар учун фойдали косметик мойлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш борасида изланиш олиб бормоқда.

Иқтисодиёт

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Пойтахтимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда енгил саноат тизимида тайёр маҳсулот экспортини ривожлантириш мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вазифасини бажарувчи Ж.Мустафоев ва бошқалар ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар мамлакатимизда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш тури ва ҳажмини тобора оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 8 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган маасур жамғарма тадбиркорлик субъектларининг ўз маҳсулотини ташқи бозорга чиқаришда яқиндан қўмаклашмоқда.

Жамғарма томонидан ўтган қисқа вақтда 153 тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион АҚШ долларидан зиёд экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқаришга маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларини аниқлаш учун маркетинг тадқиқотлари ўтказилиб, дунёнинг 173 мамлакатидан 30 дан ортиқ маҳсулот ва 15 хизмат турига эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Жорий йилда ун юз еттидан ортиқ кичик бизнес субъектига, жумладан, тўқимачилик саноатида эллиқдан зиёд тадбиркорга хориждан ҳамкорлар топиш, қирққа яқини экспорт шартномалари тузиш, банкларда рўйхатга қўйиш ва суғурта полислари олишда, йиғирмадан ортиқча хорижий қўргазма ва ярмақаларда қатнашишда амалий қўмак кўрсатиш мўлжалланмоқда.

— Корхонамизда лизинг ҳисобидан автоматик бошқариладиган тўқиш, дазмонлаш, қадоқлаш ускуналари ўрнатилган, — дейди Чилонзор туманидаги «Юсуф текстиль» масъулияти чекланган жамияти директори Бахтиёр Холмуродов. — Анжуманда мутахассислар билан маҳсулотимиз экспортини кенгайтириш ва ташқи бозорда янги ҳамкорлар топиш юзасидан фикрлашдик.

— Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта ҳомиёсининг сифати жуда юқори, — дейди «Индорама Кўкон текстиль» қўшма корхонасининг молия ишлари бўйича директори Амит Дейн. — Бу корхонамизда жаҳон стандартлари даражасида ип қалава ишлаб чиқаришмизда қўл келмоқда. Айни кунда маҳсулотимизнинг 85 фоизи хорижа экспорт қилинмоқда. Ўзбекистонда яратилган қўлай сармоявий муҳит тўғрисида фаолиятимизни янада ривожлантириш мақсадида 80 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя киритдик.

Тадбирда енгил саноат тизимидаги корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, уларга янги бозорларга чиқиш, хорижда қўргазма ва ярмақаларда иштирок этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш, рақобатбардор товарларни жаҳон бозорига етказиш юзасидан тавсиялар берилди.

Сайёра ШОЕВА,
Ў.А. муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида банк тизимини янада ислох қилиш ва самарадорлигини юксалтиришга доир Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Президентимиз фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва уларни амалга ошириш механизмларига бағишланган ўқув-семинари ўтказилди.

• Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг 2013 йилнинг якунлари ва 2014 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Андижон шаҳрида муддатли ҳарбий хизматга қақрилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, мудофаа ишлари бошқармаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

• Фарғонада «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ва унинг ўринбосарлари сайланди. Кенгашнинг келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

• Наманган шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими қошида «Ширинтой» кўғирчоқ театр-студияси иш бошлади. Янги театр-студияда ўндан ортиқ иш ўрни яратилгани, жумладан, Наманган миллий хунармандчилиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини битирган беш нафар ёшнинг ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлангани эътиборга молиқдир.

ЖАҲОНДА

• Канададаги муҳандислар ойнанинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида унга махсус ишлов бериш усулини ишлаб чиқдилар. Шундай йўл билан тайёрланган ойнанинг мустаҳкамлиги 200 марта ортиши ўтказилган тажрибалар давомида аниқланди.

• АҚШлик икки нафар коинотшунос олим — НАСАнинг Балтимордаги космик телескоп олимий институтидан Роланд ван дер Марел ва Шарлотсвилл шаҳридаги Виргиния университетидан Нитя Калливайяли «Хаббл» камералари орқали Ер кўрасидан 170 минг ёруғлик йили узокликда жойлашган галактикалардан бири — Катта Магеллан булути доираси бўйлаб жойлашган 22 та худуддаги юлдузларнинг ҳаракатини кузатишга муваффақ бўлишди.

• Франция пойтахти Парижда гайритабиий ресторан очилди. Унда мижозларга жўхоридан тайёрланган ҳар хил турдаги поп-корнлар таклиф этилмоқда. Чунончи, ресторанда таширф буюрган мижозлар анъанавий ширин ва тузли мазага эга маҳсулотдан ташқари пархезли, томатли, райхонли — жами ўн беш турдаги енгил жўхорилардан таътиб кўришлари мумкин.

• Грецияда грипп эпидемияси хуружи натижасида жорий йил бошидан буён 40 дан ортиқ киши ҳаётдан қўз юмди. Мутахассислар грипп белгилари пайдо бўлган барча фуқароларни зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш ва профилактик даво олишга даъват этмоқдалар.

ҚУРИЛИШ ТАРМОҒИНИНГ УЛКАН САЛОҲИАТИ

Қурилиш материаллари саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли лойиҳалар, саноат объектлари, уй-жой фонди, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгиларини барпо этишга қаратилган дастурлар маасур соҳани жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

ри ўртасида тармоқлараро кооперация тобора ривожланиб бораётгани самарасидир. Масалан, «Қварц» очик акциядорлик жамиятига ҳомиёнинг ақсарият қисми, жумладан, кальцийланган сода, дала шпати, доломит ва оҳактош маҳаллий компаниялар томонидан етказиб берил-

моқда.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ва турини қўпайтириш мақсадида замонавий жиҳозлар харид қилинди. Эндиликда бу ерда мураккаб тузилишга эга шиша бўюмлар учун формокомплектлар ишлаб чиқариш ҳамда улар юзасига юқори аниқликда логотип ва деталлар тушириш имконияти пайдо бўлди. Илгари хориждан импорт қилинган бронзали шиша ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мамлакатимизда қишлоқ инфратузилмаси жадал суръатларда ривожланаётгани сифатли девороб материалларга бўлган талабни ошириб юборди. Айниқса, қурилишда гипс-сокартон кенг қўлланилмоқда. Бугунги кунда бундай маҳсулот «Қнафф Гипс Бухоро» МЧЖ томонидан ишлаб чиқаришмоқда.

Умуман, 2013 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми 147,2 миллиард сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 15,3 фоизга ортиди.

Компания томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда компания 14 лойиҳага қўл уриб, улар доирасида мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Қурилиш материаллари саноатининг энг йирик тармоқларидан бири бўлган цемент саноатида қатор лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, «Бекободцемент» очик акциядорлик жамиятида амалга оширилган модернизация ишлари тўғрисида йилига 850 минг тонна цемент клинкери ишлаб чиқариш қувватига эга қуруқ цемент ишлаб чиқариш бўйича янги линия барпо этилди. Линиянинг фойдаланишга топширилиши 120 янги иш ўрни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ҳар йили 1 миллион тоннага етказиш имконини берди.

«Ўзқурилишматериаллари» АК тизимидаги корхоналарнинг самарали фаолияти натижасида ўтган йили нафақат экологик соф, хизмат муддати узок, тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қўпайгани, балки уларнинг тури кенгайгани ҳам таъкидлаш жоиз. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 5,8 фоизга ортиши таъминланди.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига хорижда ҳам талаб юқори. 2013 йилда қурилиш материаллари экспорт ҳажми 74,1 миллион АҚШ доллари таъминланди. Яқин истиқболда Афғонистон, Эрон, Россия, Туркменистон, Бирлашган Араб Амириклари ва бошқа мамлакатларга маҳсулот етказиш йўлга қўйлади.

Ирина ДОЛЕНКО,
Ў.А. муҳбири

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси тизимида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган юздан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда қарийб барча турдаги қурилиш материаллари, жумладан, оҳак, деворбоп, қолама ва пардозлаш материаллари, йўлға темир-бетон ва бетон конструкциялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қурилишда цемент маҳсулотларига ҳам талаб катта. Қишлоқ жойларни ободонлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар самарасида кейинги ўн йилда цемент ишлаб чиқариш ҳажми икки ярим баробардан ортиқ қўпайди. 2013 йилда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш суръатлари 4,4 фоизга ортиди.

Ўзбекистонда цемент маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчиларидан бири «Охангаронцемент» ОАЖ бўлиб, 2013 йилда маасур корхонада 1,6 миллион тоннадан ортиқ турли нав ва русумдаги цемент ишлаб чиқарилди.

Бир минг икки юз нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада минерал тош, акустик плиталар ва ёнгина чидамли гишт ишлаб чиқаришмоқда. Илгари корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига атиги 450 минг тоннани ташкил этган бўлса, амалга оширилган модернизация, техник ва технологик янгилаш ишларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча баробар қўпайтиришга эришилди. Хусусан, печ ва тегирмон бинолари таъмирланди, тоғ техникаси, редуктор, компрессор ва двигателлар харид қилинди.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили қурилиш гипси, қуруқ қурилиш аралашмалари, шиша маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Бу борада қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишида қўлланилаётган шишанинг асосий етказиб берувчиларидан бири — «Қварц» очик акциядорлик жамиятининг ютуқлари сезиларли бўлди. 2013 йилда жамият томонидан 13 миллион квадрат метр қурилиш шишаси ишлаб чиқарилиб, унинг 362 минг квадрат метри қишлоқларда қурилаётган янги уйларга етказиб берилди.

Корхона маҳсулоти юқори сифати ва нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради. Бу қурилиш саноати корхонала-

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШ ОЛИМ МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИНГ СИРИ

Хаётда ўз ўрнини топиш ҳар бир инсоннинг энг олий мақсадидир. Ана шу мақсад сари тинимсиз интилиш, сеvimли касб билан машғул бўлиш улкан муваффақиятларга замин яратди.

Аброр Пирнафасов — ёш ва истеъдодли математик. Бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультетида магистратура йўналишида тахсил олаётган йигит болалигида ноқ математикага ўзгача меҳр қўйди ва бутун фаолиятини илм-фанга бағишлашга қатъий аҳд қилди.

— Арифметика асослари менга болалигимдаёқ яхши таниш эди, — дейди Аброр. — Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ математикани ўрганиш орқали бизни ўраб турган олимнинг қўллаб-сирларини идрок этиш, инсоният олдига турган масалаларни ҳал қилиш мумкинлигини англаб етдим. Буюк мутафаккир аждодимиз Мухаммад Хоразмий арифметикага бағишланган «Ал-жабр ва ал-муқобала» рисоласини айнан инсонлар эҳтиёжидан келиб чиқиб яратганини қайд этган. Замонавий алгебрага асос солган улуг аждодимиз шу тариқа математиканинг инсон ва жамият ҳаёти учун нақадар муҳимлигини исботлаган. Мухаммад Хоразмийнинг илм йўлидаги бу фидойилиги менга ҳамisha илҳом бағишлайди.

Аброр камтар йигит бўлгани боис ўқувчилик йилларидаги ютуқлари тўғрисида гапиришни хоҳламайди. Шунинг учун Аброрнинг нафақат Бухоро вилояти, балки мамлакатимиз миқёсида ўтказилган математика олимпиадалари ва бошқа танловларда галиб бўлгани ҳақида унинг синфдоши Ф.Абдурашидов сўзлаб берди.

Аброр Қорақўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 10-синфда ўқиб юрган кезларида ҳаётидаги биринчи халқаро олимпиаданинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтди ҳамда математика бўйича Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинди. 2008 йилнинг июль ойида ўқувчилар ўртасида Испанияда ўтказилган 49-Халқаро математика олимпиадасида қатнашиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди. Германиянинг Бремен шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги 50-олимпиадада эса Аброр бутун дунёдан келган ёш математиклар орасида 3-ўринни эгаллади.

Шу ўринда юртимиз ўқувчилари халқаро фан олимпиадалари ва танловларда мунтазам равишда муваффақиятли иштирок этиб, ўзларининг юксак интеллектуал салоҳияти билан бутун дунё ахлини хайратга солиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган, ҳар томонлама пухта ўйланган ёшларга оид давлат сиёсатининг самаралари сифатида барчамизга мамнуният

бағишлайди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдидан турган эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳам-жамиятида қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, аввалд, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб-вояга етишига боғлиқдир.

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг давлат томонидан муносиб рағбатлантирилиб, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек эзгу анъана шаклланиб келмоқда. Аброр Пирнафасов ҳам халқаро олимпиадаларда эришган ютуқлари учун Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида имтиҳонсиз қабул қилинган.

— Аброр курсдошлари орасида етакчи эди, — дейди физика-математика фанлари номзоди, доцент Э.Норматов. — Мутахассислик фанларидан аъло баҳоларга ўқиб, ўз билимини курсдошлари билан баҳам кўраб, улардан ёрдами аямасди. Шунинг учун у университет талабалари орасида алоҳида ҳурмат қозонди.


А.Пирнафасовнинг ўқувчилик йилларидаги муваффақиятлари талабалик йилларида ҳам давом этди. Олий ўқув юртлири ўртасида ўтказилаётган республика анъанавий олимпиадаларида бир нечта олтин ва кумуш медалларни қўлга киритди. Бакалаврият йўналишининг 4-босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Бугунги кунда Аброр механика-математика факультетида магистратура йўналишида тахсил олиш билан бирга, алгебра ва функционал таҳлил кафедрасида илмий изланиш олиб бормоқда. Ёш олимнинг тадқиқотлари математиканинг энг мураккаб ва истиқболли соҳаларидан бири — генетик алгебра ва квадратик стохастик операторлар назариясига бағишланган.

— Аброр ҳам ўқишда, ҳам илмий фаолиятда, умуман, ҳаётда ўз олдига олий мақсадлар қўйишга одатланган, — дейди магистрантнинг илмий раҳбари, профессор Р.Ғанихўжаев. — Квадратик стохастик операторлар ва генетик алгебра назарияси соҳасида тадқиқот олиб бориш ҳамма

математикларнинг ҳам қўлидан келавермайди, шогирдим эса бу йўналишда салмоқли натижаларга эришмоқда.

Дарҳақиқат, истеъдодли ёш математик магистрлик диссертацияси устида кунт билан ишламоқда. Илмий мақолалари мамлакатимиз илмий журналларида чоп этилаё-



тир. Унинг бундай саъй-ҳаракатлари давлатимиз эътиборидан четда қолмапти. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 3 декабрда қабул қилинган «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни муқофотлаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, Аброр Пирнафасов «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Камтарона меҳнатларим давлатимизнинг юксак муқофотиға лойиқ кўрилганидан беҳад хурсандман, — дейди у. — Президентимизнинг қўллаб-қувватлаши, эътибори ва ғамхўрлиги биз, ёшларни янада юқори марраларга эришишга ундамоқда. Айни пайтда бу Ватанимиз равиқига ва буюк келажиги учун улкан масъулият эканини ҳам яхши ҳис этамиз. Мен ўз йўлини танладим, мақсадим етук математик олим бўлиб, мамлакатимиз илм-фани равиқига ҳиссамни қўйишдир.

Мухтасар айтганда, Аброр Пирнафасов муваффақиятларининг сири сеvimли касбиди фидокорона меҳнат қилиб, ўз устида тинимсиз ишлаётганидир. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг муҳим қасолати бўлади. Бу қарор ёшларимиз ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши учун янада кенг имкониятларга эга бўлганини аналтади.

**Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ
Сарвар Урмонов
(ЎЗА) олган сурат**

Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгашида юқоридаги мавзу доирасида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда ҳокимликлар, идора ва бошқармалар ҳамда нодавлат нотиҳорат ташкилотлар мутасаддилари, шаҳар касба уюшмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатиди Республика миқёсидаги Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ўртасида имзоланган ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги Келишув ижроси таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Айтиш керакки, Тошкент шаҳри миқёсида касба уюшмалари томонидан яратилаётган янги иш ўринлари, улардаги меҳнат шартлолари ҳолатлари мониторинги йўлга

шаббас ва гоёлар илгари сурилмоқда. «Катта ҳаётга — касба уюшмалари билан», «Саховат ва Мурувват уйлари ёшлар эътиборида» акциялари доирасида ўтказилган тадбирлар қанчадан-қанча оилаларга ҳушудлик олиб кирди. «Касба уюшмалари — фахрийларга», «Хар бир инсон меҳр ва эътибор оғушида» каби тадбирлар оммавий тарзда ташкил этилди. Шунингдек, бошланғич касба уюшма ташкилотларига эътибор кучайтирилмоқда.

Тадбирда таъкидлаганидек, бугунги кунда касба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган. Бош келишувдан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномалари ва келишувлари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини давр талаблари асо-

Касба уюшмалари

МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

қўйилди. Нодавлат секторидидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ҳодимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида 2013 йил давомида шаҳар миқёсидаги 485 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида бошланғич касба уюшма ташкилотлари тузилиб, уларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашларнинг жамоа шартномаларида кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлардан фойдаланишлари таъминланди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийларда ва дам олиш масканларида жами 5 минг нафарга яқин шахарлик меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон Касба уюшмалари Федерацияси ва унга аъзо ташкилотлар томонидан Республикамизда қабул қилинган қонунлари аҳоли орасида тушунтириш, корхона ва ташкилотларга янги ишга қабул қилинган касб-хунар коллежлари ўқувчиларига моддий ёрдам бериш, битирувчиларини иш билан таъминлашга қўмаклаш, жамоа шартномалари орқали ногирон ва кам таъминланган ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида хайрли ишлар олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касба уюшмаси қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Шунингдек, Федерация кенгаши томонидан меҳнаткашлар манфаатларини муҳофаза этувчи унаб та-

сида зарур банд ва бўлимлар билан бойитиш, шу орқали ҳодимларга қўлай меҳнат ва дам олиш шартлоларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада ҳодимлар иш бериш ва касба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик асосида яратиб берилаётган қўллаб-имтиёз ва кафолатлардан фойдаланмоқдалар.

Давра суҳбатиди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида 2014-2016 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишувдан келиб чиққан ҳудудий ва тармок келишувларига, жамоа шартномаларига тегишли ўзгаришлар киритиш ва уларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда амалиётга таътиб этиб келинаётган жамоа шартномаларининг муҳокамаси жараёнида ишчи-хизматчилар томонидан билдирилган меҳнат муносабатларига оид қатор савол ва тақлифларга тегишли жавоблар берилди. Шунингдек, билдирилган тақлифлар муҳокама этилиб, ижтимоий-иқтисодий масалаларга тегишли зарур чора-тадбирлар ва уларни биргаликда амалга ошириш тадбирлари белгилаб олинди. Тадбирда шунингдек, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида эришилган натижалар ва келгусида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар муҳокама қилинди.

Зиёда РАСУЛОВА

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида «Ўзбекистон — АҚШ: дўстлик концерти» деб номланган музикаий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси, АҚШ Давлат департаменти қошидаги таълим ва маданият ишлари бўйича бюроси ҳамда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирда муҳташам санъат масканига йигилган қўллаб-муқабил музика ижроасидида «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри ҳамда АҚШнинг машҳур «Laura Cortese and the Dance Cards» триоси ижросидаги музикаий дастурдан баҳраманд бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри Мустақиллигимиз илк кунларида, яъни 1991 йилнинг 5 сентябрида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади аждодларимизнинг қадимги ижрочилик анъаналарини тиклаш ҳамда ўзбек халқ чолғуларида жамоа ижрочилигини ривожлантириш ва миллий музика санъатимизнинг ранг-баранглигини дунёга таништиришдан иборат. Оркестр ўз фаолияти давомида жаҳоннинг турли давлатларида ўтказилган йирик танлов ва музика фестивалларида иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олиб келмоқда. Оркестрга Феруза Абдурахимова раҳбарлик қилади. «Laura Cortese and the Dance Cards» триоси эса АҚШнинг анъанавий ва фольклор музика услубларида ижод қилиб, уларни сайёрамизнинг турли чеккаларида намойиш қилиб келмоқда. Ушбу музикаий гуруҳнинг бир неча кунлик таширифи мобайнида юртимизда музика сирларидан сабоқ олаётган талаба ва ўқувчилар учун Тошкент ва Фарғона шаҳарларида мастер-класслар ҳам ташкил қилиниши режалаштирилган.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида уюштирилган тадбир дўстона руҳда ўтди ва унда ҳар иккала мамлакат халқ музикалари ҳамда композиторлари асарлари намуналаридан тузилган концерт дастури тақдим этилди. Айниқса, «Анджон полькиси» куйининг «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри ҳамда «Laura Cortese and the Dance Cards» билан биргаликдаги ижроси тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади. Шундай музикаий маданий тадбирлар иштирокчилар учун ўзаро ижодий мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва халқаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ҳуришда АБДУЛАЗИЗОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси шарқ музикаси факультети халқ чолғулари бўлими 3-босқич талабаси**

АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАР АСОСИДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШМОҚДА

Шайхонтоҳур транспорт касб-хунар коллежиди «Ишлаб чиқариш корхоналарига амалий кўникмалар асосида кичик мутахассислар тайёрлашда сифат кўникмасини ошириш» мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент Давлат техника университети, Тошкентдаги Турин Политехника университети, «MEGA STORY PLYUS» МЧЖ, «GENERAL MOTORS POWERTRAIN UZBEKISTAN» заводи ҳодимлари ҳамда бир қатор коллежлар директорлари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирда Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи директори Ж. Қўлмухамедов Ўзбекистонда автомобиль саноатининг ривожланиш босқичлари, ишлаб чиқарилаётган жаҳон талабларига жавоб беришчи автомобиль, мотор заводининг фаолияти, умуман, соҳада эришилаётган ютуқлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, Шайхонтоҳур транспорт касб-хунар коллежининг 1 босқич талабалари томонидан автосаноатнинг ривожланиши ҳақида тайёрланган маълумотлар рус ва инглиз тилларида йирилганларга тақдим этилди.

Семинар доирасида 4 босқичдан иборат — саволлар, тест, кластер, амалий иш шартлари асосида қизқарли ўйин ташкил этилди. Инглиз ва рус тилларида ўтказилган ушбу беллашув давомида коллеж ўқувчилари транспорт ва техникага оид билимларини синовдан ўтказишди.

— Тадбирни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг 1 босқичдан оқ ўз касбларини рус ва инглиз тилларини ҳам ўзлаштириш ҳолда билиши, уларни амалий кўникмалар асосида етук мутахассис қилиб етиштиришдан иборат, — дейди биз билан суҳбатда Шайхонтоҳур транспорт касб-хунар коллежи директори Гулнора Юсупова. — Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш бизнинг вазифамиз. Ҳозирги глобаллашув жараёнида ўқувчиларимиз ўзлари танилаган йўналишлари бўйича чуқур билимга эга бўлишлари керак. Шу боисдан ҳам уларга янги педтехнология асосида билим бериб келмоқдамиз.

Тадбир давомида Тошкентдаги Турин политехника университетидан таширф буюрган Олимхон Тўйчиев ва Анвар Худойбергеновлар «Лого» лойиҳаси бўйича тақдимот ўтказишди. Бунда автомобилларнинг яратилиши, уларга ўрнатиладиган деталлар, автоматлаштирилган тизимлар ва ишлаб чиқариш жараёнида роботларнинг қўлланилиши ҳақида иштирокчиларга қизқарли маълумотлар берилди. Қолаверса, ўзлари томондан ихтиро қилинган роботнинг ишлаш тизими, ҳаракатланишини йирилганлар эътиборига ҳавола этишди.

**Оқила БАҲРОМОВА,
ЎЗДХТУ талабаси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2014 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларидан тўланадиган даромад солиғи бўйича жисмоний шахслар томонидан турур жой ва нотурур жойларни ҳамда автотранспорт воситаларини ижарага беришда ижара тўловининг қатъий меъёрлари белгиланди.

Унга кўра, жисмоний шахслар учун 2013 йилдаги, уй-жойнинг 1 м² учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори унинг жойлашган жойига қараб белгиланган табақалашган миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилди, яъни Тошкент шаҳрида — 3,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсундиган шаҳарларда — 2,0 минг сўм, бошқа аҳоли пунктлари — 1,0 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, 2014 йилдан бошлаб, нотурур жойларнинг 1 м² учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ижара тўловининг энг кам миқдорининг унинг жойлашган жойига қараб табақалашган миқдорлари белгиланди. Бу миқдор Тошкент шаҳрида — 6,0 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсундиган шаҳарларда — 4,0 минг сўм, бошқа аҳоли пунктлари — 2,0 минг сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкни ижарага беришдан олган даромади жисмоний шахсларнинг даромадидан олиннадиган солиқ шкаласининг минимал ставкасида солиққа тортилади, яъни 2014 йил 1 январдан 7,5 фоиз ставкада жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ҳисоблаб ундирилади.

Шулар билан бир қаторда, жорий йилдан жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорлари ҳам белгиланди. Енгил автомобиллар (йўловчи, юк та-

шиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчи ўриндинини ҳисобга олманган ҳолда 8 та ўриндиқчага бўлган автотранспорт воситалари) битта автотранспорт воситаси учун 220 минг сўм, микроавтобуслар, автобуслар ва юк ташиш автомобиллар учун 430 минг сўмдан иборат бўлди.

Қарор ва ижро

ФУҚАРОЛАР МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Солиқ кодексининг 192-моддасига кўра, мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс, агар ушбу даромадларга жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг тўлов манбаида солиқ солинмаса, белгиланган муддатларда жами йиллик даромад тўғрисида доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига декларация тақдим этиш билан бир қаторда ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим этади. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этилади.

маслик, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонунчиликнинг ушбу талабларига риоя этилиши юзасидан мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Корхона-ташкilotлар, маҳалаларда фуқаролар билан учрашувлар ташкиллаштирилиб, тегишли тартиб-қоидалар тушунтирилмоқда. Турур жой ва нотурур жойларни ноқонуний равишда ижарага берган жисмоний шахслар аниқлиниб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилмоқда.

**Азим ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг ўринбосари**

ХАФТИЛИК

ТЕЛЕКАНАЛЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Кинолот тилсими». Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Қалди-
ргочлар яна қайтади».
8.00 «Тахлилчи».
8.40 «Ер сайёраси». Х/ф.
9.30 «Юрган - дарё».
9.55 «Икким».
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
10.50 «Финли ва унинг дўстла-
ри». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У».
13.30 «Қўш қирки». Х/ф.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Зиё» студияси: «Эти-
код мустақиллиги йўлида».
14.35 Миллий сериал: «Фи-
дойилар».
15.05 «Қўшнинг кўтқуси».
15.15 «Икким».
15.25 Ўзбек киноси: «Чол ва
набира».
16.00 «Хоразм: Нафосат тим-
соллари».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Эл тинчлиги йўлида».
17.25 «Эркин фикр».
17.35 «Ака-ука Гримм эрта-
клари». М/с.
18.00 «Қўнғил қўшиқ иста-
йди».
18.15 «ТВ-шифокор».
18.20 «Аёл ва замон».
18.40 «Рухиёнос». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
20.05 «Навоий бустонидан».
20.10 «Бўрилар замини». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.10 «Қўнғил қўшиқ иста-
йди».
22.25 «Доктор Хаус». Т/с.
23.10, 23.40 «Кинолот тилси-
ми». Х/ф.
23.40 Кўрсатувлар дастури.
23.45 «Мен ва У».
24.00 «Аёл ва замон».
00.30 Миллий сериал: «Фи-
дойилар».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТаб: «Каллоблар».
1-қисм.
2.10 «Хоразм: Нафосат тим-
соллари».
2.20 «Ватанпарвар».
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Қалди-
ргочлар яна қайтади».
5.10 «Шарқ тароналари».
5.25 «Икким».
5.30-5.55 «Юрган - дарё».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Мультипанорама».
7.50 «Император аёл». Т/с.
8.40 «Ёшлик навоилари».
9.00 «Қанизақ Изаура». Т/с.
9.50 «ЎЗЕХ».
10.00 «Қамолот-инфо».
10.10 «Винетту». Б/ф. 1-қисм.
12.00 «Баҳор соғинчи».
12.10 «Қоллоблар». Т/с.
13.00 «Давр».
13.10 «Елдор». Т/с.
13.50 «Автопатруль».
14.10 «Нукта назар».
14.50 «Афсона ва ҳақиқат».
15.00 «ЎЗЕХ».

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Кинолот тилсими». Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Қалди-
ргочлар яна қайтади».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Ер сайёраси». Х/ф.
9.30 «Юрган - дарё».
9.55 «Икким».
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
10.50 «Финли ва унинг дўстла-
ри». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Бўрилар замини». Т/с.
11.55 «ТВ-шифокор».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Бир жинот изидан».
14.35 Миллий сериал: «Фи-
дойилар».
15.05 «Икким».
15.10 «Менинг боғим».
15.30 «Муносабат».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Қўнғил ободлиги».
16.30 «Ахборот» /лингиз/.
16.40 «Корачик».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Қалб гавҳари».
17.30 «Бухоро».
17.35 «Ака-ука Гримм эрта-
клари». М/с.
18.00 «Қўнғил қўшиқ иста-
йди».
18.15 «Муносабат».
18.40 «Рухиёнос». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
20.05 «Навоий бустонидан».
20.10 «Бўрилар замини». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Устурлоб».
22.10 «Қўнғил қўшиқ иста-
йди».
22.15 «Доктор Хаус». Т/с.
23.00, 23.30 «Кинолот тилси-
ми». Х/ф.
23.30 Кўрсатувлар дастури.
23.35 «Хаммаси ҳаёт ҳақида».
23.40 «Менинг боғим».
00.15 «Навоийнинг англаш».
00.30 Миллий сериал: «Фи-
дойилар».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТаб: «Каллоблар».
1-қисм.
2.10 «Икким».
2.15 «Корачик».
2.35 «Қалб гавҳари».
2.55 «Бухоро».
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Қалди-
ргочлар яна қайтади».
5.10 «Қўнғил ободлиги».
5.30 «Икким».
5.35 «Устурлоб».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Мультипанорама».
7.50 «Император аёл». Т/с.
8.40 «Ёшлик навоилари».
9.00 «Қанизақ Изаура». Т/с.
9.50 «ЎЗЕХ».
10.00 «Давр».
10.10 «Винетту». Б/ф. 2-қисм.
12.00 «Зуффия издошлари».
12.20 «Қоллоблар». Т/с.
13.00 «Давр».
13.10 «Елдор». Т/с.
13.50 «Соғлом оила - соғлом
бола».
14.10 «Ватанпарвар».
14.50 «Афсона ва ҳақиқат».
15.50 «ЎЗЕХ».
16.00 «Давр».
16.10 «Атлантида». Т/с.
17.00 «Сумалак ҳаёли».

Ўзбекистон

16.00 «Давр».
16.10 «Атлантида». Т/с.
17.00 «Қамолот-инфо».
17.10 «Зуффия издошлари».
17.30 «Менинг исимим маскара-
бош». Б/ф. 1-қисм.
19.00 «Давр».
19.30 «Қанизақ Изаура». Т/с.
20.20 «Ёшлик навоилари».
20.40 «Эртанчи болажонлар».
21.00 «Афсона ва ҳақиқат».
21.10 «Мухаббат ва эҳтирос».
21.20 «Финли ва унинг дўстла-
ри». М/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Шерлок». Т/с (6-қисм)
00.10 «Галактика».
1.00 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Давр».
5.30 «Охангалар сеҳри».
5.50-6.00 «Телеуҳфа».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 43-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Интервью».
9.40 Миллий сериал: «Одамлар
орасида». 16-қисм.
10.10 «Уйларим».
10.15 «Мисли гавҳар».
10.30 «Пойтахт». /Рус тилида/
10.40 «Анонс».
10.45 «Адолат мезони».
11.00 «Барон Мюнхгаузен». Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс».
15.00 «Пойтахт».
15.15 «Анонс».
15.20 «Танниқ нуктаси».
15.45 «Интеллектуал аукцион».
15.55 «Саргузаштлар ороли».
16.20 Мультсериал: «Кувноқ
дўмбоқчалар». 5-6-қисмлар.
16.45 «Бизнес-пойтахт».
16.50 «Икки тақдир». Т/с. 144-
қисм.
17.10 «Эко-пойтахт».
17.20 «Келин менинг дўстла-
ри». /Инглиз тилида/
17.35 «Интервью».
17.45 «Эртанчи эгалари».
18.00 «Карвонсарой».
18.10 «Химоя».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт».
18.55 Миллий сериал: «Одамлар
орасида». 17-қисм.
19.00 «Шарқ тароналари».
19.40 «Теле-маркет».
19.55 «Уйларим».
20.00 «Пойтахт».
20.25 «Анонс».
20.30 «Менинг маҳаллам».
20.50 «Пойтахт йўлларидан».
21.05 «Ибра».
21.20 «Теле-маркет».
21.45 «Шаҳзоданинг қўшиғи».
Т/с. 16-қисм.

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 44-қисм.
9.25 «Уйларим».
9.30 «Интервью».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 45-қисм.
9.25 «Уйларим».
9.30 «Интервью».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 46-қисм.
9.25 «Уйларим».
9.30 «Интервью».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 47-қисм.
9.25 «Уйларим».
9.30 «Интервью».

Ўзбекистон

22.30 «Пойтахт». /Рус тилида/
22.50 «Джейн Остин. Любовные
неудачи». Х/ф.
00.15 «Мадия».
00.20 Кўрсатувлар тартиби.
00.25 «Все о туризме».
00.55 «Моя прекрасная ле-
ди». Х/ф.
3.40 «Уйларим».
3.45 «Анонс».
3.50 Хинд киноси: «Бахтли бўлиш
осомас». 2-қисм.
5.00-6.00 «Салом, Тошкент!»

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Ўзбекистон

10.00 Модный приговор
11.15 Контрольная закупка
11.40 «Время обеда»
12.15 «Доброе утро»
12.30 «Доброе утро»
13.00 Понять. Простить
14.15, 17.45 «Истина где-то
рядом»
14.30 «Юни и мы»
15.20, 03.10 «В наше время»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Детектив «Черные кошки»
22.05 «Вечерний Ургант»
22.40 Ночные новости
22.50 Сериал «Статский совет-
ник»
23.50 Худ. фильм «Осада»
01.40, 02.05 Худ. фильм «Без
права на ошибку»

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Тошкент

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Корачик».
6.25 Болалар майдончаси:
«Спортландия».
Мультфильм.
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
7.50 АНОНС.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Орзулар кема».
8.55 «Сочи-2014». Қишки олим-
пиада уйинларининг тантанали
ёпилиш маросими.
9.15 Р. Раҳимов, натижалар,
рейтинглар.

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Кинолот тилсими». Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Қалди-
ргочлар яна қайтади».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Ер сайёраси». Х/ф.
9.30 «Юрган - дарё».
9.55 «Икким».
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
10.50 «Финли ва унинг дўстла-
ри». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Бўрилар замини». Т/с.
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У».
13.45 «Худудлар ҳаёти».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Устурлоб».
14.35 Миллий сериал: «Фидойи-
лар».
15.05 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.50 «Муносабат».
16.15 «Икким».
16.20 «Уйла, Изла, Топ!»
16.30 «Ахборот».
17.00 «Шоиринг эмасан».
17.25 «Шоиринг эмасан».
17.30 «Икким».
17.35 «Ака-ука Гримм эрта-
клари». М/с.
18.00 «Қўнғил қўшиқ иста-
йди».
18.15 «Муносабат».
18.20 «Ибра».
18.40 «Рухиёнос». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
20.05 «Навоий бустонидан».
20.10 «Бўрилар замини». Т/с.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Устурлоб».
22.10 «Қўнғил қўшиқ иста-
йди».
22.15 «Доктор Хаус». Т/с.
23.00, 23.30 «Кинолот тилсими».
Х/ф.
23.30 Кўрсатувлар дастури.
23.35 «Хаммаси ҳаёт ҳақида».
23.40 «Менинг боғим».
00.15 «Навоийнинг англаш».
00.30 Миллий сериал: «Фи-
дойилар».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТаб: «Каллоблар».
1-қисм.
2.10 «Хоразм: Нафосат тим-
соллари».
2.20 «Ватанпарвар».
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 Миллий сериал: «Қалди-
ргочлар яна қайтади».
5.10 «Қўнғил ободлиги».
5.35-5.55 «Юрган - дарё».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 45-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Интервью».
9.40 Миллий сериал: «Одамлар
орасида». 18-қисм.
10.00 «Хабарлар».
10.15 «Анонс».
10.20 «Оила шифокори».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 46-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Интервью».
9.40 Миллий сериал: «Одамлар
орасида». 19-қисм.
10.00 «Хабарлар».
10.15 «Анонс».
10.20 «Оила шифокори».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 47-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Интервью».
9.40 Миллий сериал: «Одамлар
орасида». 20-қисм.
10.00 «Хабарлар».
10.15 «Анонс».
10.20 «Оила шифокори».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 48-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Интервью».
9.40 Миллий сериал: «Одамлар
орасида». 21-қисм.
10.00 «Хабарлар».
10.15 «Анонс».
10.20 «Оила шифокори».

Тошкент

6.00 «Мадия».
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса». Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс».
7.00 «Пойтахт».
7.20 «Анонс».
7.25 «Доналар бистотидан».
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион».
7.55 «Анонс».
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультсериал: «Чип ва
Дейл». 49-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Интервью».
9.40 Миллий сериал: «Одамлар
орасида». 22-қисм.
10.00 «Хабарлар».
10.15 «Анонс».
10.20 «Оила шифокори».

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Кинолот тилсими». Х/ф.
7.30 Миллий сериал: «Қалди-
ргочлар яна қайтади».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Ер сайёраси». Х/ф.
9.30 «Юрган - дарё».
9.55 «Икким».
10.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
10.50 «Финли ва унинг дўстла-
ри». М/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Бўрилар замини». Т/с.
11.55 «Икким».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У».
13.45 «Худудлар ҳаёти».
14.00 «Ахборот».
14.15 «Устурлоб».
14.35 Миллий сериал: «Фидойи-
лар».
15.05 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу

